



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Марказий банк Бошқаруви  
асосий ставкани **йиллик 15 фоиз**  
даражасида сақлаб қолди ва  
“Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил  
ва 2024-2025 йиллар даврига  
мўлжалланган асосий  
йўналишлари”нинг дастлабки  
концептуал лойиҳасини тасдиқлади.


Матбуот анжумани

2022 йил 27 октябрь




## Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари тикланмоқда

Иқтисодий ўсиш



Асосий капиталга инвестициялар




2022 йилнинг ўтган 9 ойида **ЯИМнинг реал ўсиши** 5,8 фоизни ташкил этди (саноат 5,3 фоизга, хизмат кўрсатиш 15,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги 3,6 фоизга ва қурилиш ишлари 6,3 фоизга ўсди).


**Асосий капиталга инвестициялар** 5,0 фоизга ошиб, 190 трлн. сўмга тенг бўлди. (тўғридан-тўғри инвестициялар 2,15 млрд. долларга етиб, ўтган йилга нисбатан 5,5 фоизга кўп бўлди).

## Истеъмол талаби жонланиб, харажатлар ошмоқда

### Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши



### Чакана савдо айланмаси ҳажми динамикаси




2022 йилнинг 9 ойлигида иқтисодиётда **истеъмол талаби** ҳажмининг ўсиб бориши билан:


- истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **27,0 фоизга** ошди;
- чакана савдо айланмаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10,8 фоизга** ошди.

# Иқтисодиётга кредитлар ялпи талабни рағбатлантирмоқда

## Иқтисодиётга кредит қўйилмалари




## Аҳолига ажратилган кредитлар



Иқтисодиётга кредитлар ўсиши сўнгги 2 ойда бироз тезлашиб, 2022 йил 1 октябрь ҳолатига жами кредитларнинг йиллик ўсиши **18,1 фоизни** ташкил этди. (миллий валютадаги кредитлар **22,8 фоизга**, хорижий валютадаги (валюта курси таъсирисиз) **9,5 фоизга** ўсди.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи йиллик **37,4 фоизга** (24,6 трлн сўм) ошиб, жами кредит қўйилмаларидаги улуши 1 октябрь ҳолатига **24,1 фоизга** етди.

## 2022 йилнинг III чорагида умумий ва базавий инфляция юқори даражада сақланиб қолди




2022 йилнинг сентябрь ойида умумий инфляция **12,2 фоизни** ташкил этди. Базавий инфляция эса йиллик **12,7 фоизгача** тезлашди. Бунда, базавий инфляциянинг умумий инфляцияга оширувчи ҳиссаси **9,6 фоиз бандгача** ошди.

## Аҳолининг инфляцион кутилмалари

2022 йил, фоизда

респондентларнинг улуши, фоизда




Омиллар	Янв	Фев	Мар	Апр	Май	Июн	Июл	Авг	Сен
Импорт товарлар ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42
Валюта курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42
Нархларнинг сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28
Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27
Турар жой ва ижара тўловларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18
Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юқорилиги	10	11	11	14	14	14	14	11	11

Май ойидан бошлаб аҳоли вакиллариининг инфляцион кутилмалари пасаявчи динамикани кўрсатиб, сентябрь ойида **15,2 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати **11,8 фоизни** ташкил этди.

Келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **импорт товарлари** ва **асосий озиқ-овқат маҳсулотлари** нархларининг қимматлашиши таъкидланган.

## Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари

2022 йил, фоизда




респондентларнинг улуши, фоизда

Омиллар	Янв	Фев	Мар	Апр	Май	Июн	Июл	Авг	Сен
Валюта курсининг ўзгариши	37	43	51	41	24	19	34	33	39
Ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши	42	36	36	37	25	27	31	29	35
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	26	21	17	21	30	29	23	26	23
Импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши	20	18	22	14	14	24	28	22	21
Иқтисодийётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши	16	13	14	14	16	32	33	16	14
Айрим товарларни импорт қилишдаги тариф ва нотариф чекловларнинг мавжудлиги	12	11	12	17	16	18	19	17	14
Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши	13	11	10	9	9	10	12	13	11

Тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан 0,3 фоиз бандга камайди ва **13,8 фоизга** тенг бўлди. Медиана қиймати эса **11,3 фоиз** атрофида шаклланди.

Бунда, нархларга **валюта курсининг ўзгариши, ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши** каби омиллар таъсир этиши мумкинлигини қайд этилди.


## “UZONIA” индекси асосий ставка фоиз коридори доирасида шаклланди






## Банклараро пул бозори ва Марказий банкнинг пул-кредит операциялари

Банклараро пул бозори операциялари




Марказий банк пул-кредит операциялари




2022 йил 9 ойликда пул бозорида жами **100 трлн.** сўмлик операциялар амалга оширилиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **26,4 фоизга кўпроқ** бўлди ва умумий ликвидлик динамикаси билан изоҳланади. Умумий ликвидликнинг юқорилиги фонида Марказий банкнинг ликвидликни жалб этиш операцияларига бўлган талаб юқорилигича қолмоқда.

## Давлат қимматли қоғозлари эмиссияси

Марказий банк  
облигациялари




Молия вазирлиги  
облигациялари



2022 йил 1 октябрь ҳолатига муомаладаги Марказий банк облигациялари қолдиғи **16,5 трлн сўмга** ва Молия вазирлиги облигациялари қолдиғи **9,3 трлн сўмга** тенг бўлди.


Марказий банк облигациялари бўйича **даромадлик даражаси** 16-17 фоиз атрофида, Молия вазирлиги облигациялари бўйича эса 16-18 фоиз атрофида шаклланмоқда.

## Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари

## Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари

2022 йил сентябрда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **20,6 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **16,3 фоизни** ташкил этди.

Инфляция даражасини инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **7,5 фоизга** ва юридик шахсларда **3,7 фоизга** тенг бўлди.

## Аҳолининг муддатли депозитлар динамикаси ойлик ўзгариш, фоизда




Март ойидаги тебранишларни ҳисобга олмаганда миллий валюта курсининг барқарорлиги ва депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкалари ҳисобига аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари жорий йилнинг ўтган 9 ойида **45 фоизга** ошди (*хорижий валютадаги депозитларида эса сезиларли ўзгариш кузатилмади*).

## Глобал инфляция жараёнлари

Инфляция драйверлари




Глобал инфляция прогнози



Манба: ХВЖ, Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш истиқболлари, октябрь 2022

ХВЖнинг прогнозларига кўра, глобал инфляция кутилганидан кўпроқ вақт давомида юқориликча сақланиб қолиши, аксарият давлатларда мақсадли кўрсаткичларга 2024 йилнинг охирларида келиниши кутилмоқда.

## Ўзбекистоннинг суверен евро облигациялари бўйича даромадлилик динамикаси



Ўзбекистоннинг **10 йиллик** суверен еврооблигациялари бўйича даромадлилик **8,9 фоизгача** ошган бўлса, **5 йиллик** суверен облигациялари бўйича **9,3 фоизгача** кўтарилди. Даромадлиликнинг ортиши ҳудуддаги геосиёсий вазият фонида хатар мукофотининг ортиши ва глобал молиявий шароитларнинг қатъийлашиб бориши билан изоҳланади.

## Ташқи савдо амалиётлари сезиларли ортишда


(млн. АҚШ доллар)

Давр	Экспорт (олтинсиз)	Импорт
2022 йил январь-сентябрь	11 081	21 973
2021 йил январь-сентябрь	8 968	17 967
2020 йил январь-сентябрь	6 667	15 019


*Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида **экспорт** ҳажми (олтинни ҳисобга олмаганда) **11,1 млрд.** долларни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23,6 фоизга** ортиқни ташкил этган бўлса, **импорт** ҳажми **22,0 млрд.** долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **22,3 фоизга** ўсди.

### Трансчегаравий пул ўтказмалари (млн. доллар)




### Аҳоли билан валюта амалиётлари (млн. доллар)



2022 йил январь-сентябрда мамлакатимизга **12,6 млрд.** долларлик пул ўтказмалари кириб келган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,2 баробарга ортиқ** бўлди. Ушбу даврда банкларнинг аҳолидан валюта хариди ва аҳолига валюта сотуви ўртасидаги ижобий тафовут **2,5 млрд.** долларга тенг бўлди. Бунда, аҳолининг валюта сотуви 9,0 млрд. долларни ва аҳолининг валюта хариди 6,5 млрд. долларни ташкил қилди.




## Ишбилармонлик фаоллиги индекси (PMI)



Етакчи индикаторларнинг айримлари иқтисодий фаолликнинг секинлашувини кўрсатишда давом этмоқда. Қозоғистонда пул-кредит сиёсатнинг катъийлашуви натижасида фаоллик ҳам пасайди. Туркияда пул-кредит шароитларининг юмшатилишига қарамасдан, PMI индекси кетма-кет 7 ой давомида 50 банддан паст даражада шаклланиб келди.

## Жаҳонда иқтисодий ўсиш секинлашмоқда


### Глобал ўсиш




Манба: ХВЖ, октябрь 2022

Глобал иқтисодий фаоллик кутилганидан ҳам кескин пасаймоқда. Юқори инфляция, геосиёсий вазиятнинг танглиги, яшаш харажатларининг ошиши, аксарият ҳудудларда молиявий шароитларнинг қатъийлашуви прогнозларни сезиларли даражада ёмонлаштирди.

### Халқаро Валюта Жамғармаси прогнозлари (октябрь, 2022)



### Жаҳон Банки прогнозлари (сентябрь, 2022)




## Ривожланаётган давлатлар валюталарига босим кучайиб бормоқда

**Доллар индекси**




**Халқаро валюта захиралари ўзгариши**  
(ўтган чоракка нисбатан, млрд. долл.)




Манба: Блумберг

**Айрим давлатларнинг валюта курси ўзгариши**  
(1 АҚШ долларига нисбатан, давр охирига %да)



## Савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари



# Ўрта муддатли макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари ва пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари

## Келгуси макроиқтисодий ҳолатнинг асосий омиллари

**Глобал инфляцион  
жараёнлар билан боғлиқ  
вазият ва глобал  
рецессия** хатари

**Ташқи талабнинг  
ўзгариши** (нефт, олтин,  
энергия ресурслари ва  
хомашёлар нархи)


**Ташқи молиявий  
шароитлар** (қатъий пул-  
кредит сиёсати, хорижий  
инвестициялар, капитал  
оқими)

**Ташқи геосиёсий  
вазият**, минтақадаги  
**хатар даражаси** ва  
унинг инвестицион  
муҳитга таъсири

**Фискал сиёсат**, талаб  
ва таклиф  
мутаносиблиги, фискал  
консолидация

**Молиявий  
барқарорлик**, таркибий  
иқтисодий ислохотлар,  
шу жумладан,  
**хусусийлаштириш**  
жараёнлари



## Асосий сценарий: Иқтисодий ўсиш ва инфляция



Асосий сценарий доирасида 2023 йилда **иқтисодий ўсиш** даражаси реал ҳисобда **4,5-5 фоиз** атрофида, 2024 йилда **5-6 фоиз** ва 2025 йилда **6-6,5 фоиз** атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

**Инфляция** 2023 йил сўнггида **8,5-9,5 фоизгача** пасайиши ва 2024 йилнинг иккинчи ярмида **5 фоизлик** таргетга яқинлашиши (*5-6 фоизлик прогноз*) кутилмоқда.

## Муқобил сценарий: Иқтисодий ўсиш ва инфляция



**Муқобил сценарий** бўйича 2023 йилда **ЯИМнинг реал ўсиши 3-3,5 фоиз** атрофида бўлиши, 2024 йилда **4-4,5 фоизни** ва 2025 йилда **4-5 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бунда, хатарларнинг таъсир кўлами иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг шаклланишида муҳим ўрин тутиши кутилмоқда.

Инфляция даражаси 2023 йилда **7-8 фоизгача** пасайиши, бироқ **5 фоизлик таргетга** эришиш масаласи 2025 йилга кечикиши мумкин.



## Пул-кредит сиёсати чоралари

### Асосий сценарий

### Муқобил сценарий

#### Пул-кредит шароитлари

Иқтисодиётда инфляцион босимларни инобатга олиб, 2023 йил давоида **"нисбатан қатъий"** пул-кредит шароитлари таъминланади.  
2024 йилнинг II ярмида инфляцион таргетга эришиш бўйича асослар юзага келганда **"нейтрал"** фазага ўтилиши мумкин.

Ташқи хатарлар, валюта курсига босимлар ва таргетга эришиш даврининг узайишини инобатга олиб, прогноз даври давоида пул-кредит шароитлари **"нисбатан қатъий"** даражада сақлаб қолинади.

#### Пул бозоридаги фоиз ставкалари

2023 йилда **Uzonia** ставкасининг реал ҳисобда **3-4 фоизлик** даражада, 2024 йилнинг иккинчи ярмидан **1-2 фоизлик** даражада бўлиши таъминланади

2023-2025 йилларда **Uzonia** ставкаси реал ҳисобда ўртача **2-3 фоизлик** даражада шаклланиши таъминланади.